



Олий мукофот

Мана, бир неча ойлардан бери кутилган кунларга ҳам етиб келдик: хадемай Ўзбекистон Куръон мусобакасининг республика боскичи бошланади. Бу кунларни нафакат юртимиздаги, балки кўшни давлатлар ва дунёнинг кўп минтакаларидаги мусобакани кузатиб келаётган Куръон мухлислари интиклик билан кутиб туришибди. Айни пайтда кўпчилик мусобка сўнгида голиб қандай аниқланиши билан ҳам кизикяпти. Шу сабабли мавзуга бироз ойдинлик киритишни лозим топдик.

Бу йилги Ўзбекистон Куръон мусобакасида «Олий мукофот» соврини жорий этилмоқда. Шу ҳақда кўпиликка қисқача тушунтириш бериш лозим.

Маълумки, мусобака хифз ва тиловат йўналишларида ўтказиляпти ва ҳар бир йўналиш 3 тоифага бўлинган:

1. 18–25 ёшлилар.

2. 26–40 ёшлилар.
3. Талабалар.

Мусобканинг аввалги 2 боскичи – туман-шахар ва вилоят боскичларида кўрик шу йўсинда ўтказилгач, республикада биринчи ракамли голибни аниклаш масаласи кўндаланг бўлди. Айрим кишилар мазкур 3 тоифани бирлаштириб юбориш таклифини айтди. Бу иш кўп жихатдан нокулайлик келтириб чиқариши аниқ эди. Чунки маълум йўналишдаги ишлирокчилар учала ўринни ҳам эгаллаб олиши мумкин. Бунда колган икки йўналишдагилар учун республикада ҳеч қандай ўрин насиб бўлмайди. Шу боис энг яхши ечим сифатида «Олий мукофот» усулини қўллаш маъқул топилди. Унга кўра мусобака шу боскичгача қандай келган бўлса, шундай давом этади: ҳар бир йўналишдаги гуруҳларда алоҳида 1, 2 ва 3-ўринлар бўлади ва улардан қайси бири энг юқори балл олса, ўша Олий мукофот соҳиби деб топилади.

Бу билан низо ва огринишнинг олдини олиш баробарида юртимизда ўтказилаётган Куръон мусобакасининг савиясини халқаро мусобакалар даражасига олиб чиқишга ҳаракат ва унинг ҳар жихатдан адолатли бўлишига эришиш назарда тутилди.

Олий мукофот фақат хифз йўналишида бўлади ва эркагу аёллар учун жорий этилади. Шунда ўлкамизда ўтказилаётган бу йилги Куръон мусобакасида аёллардан бир киши, эркаклардан бир киши Олий мукофотга сазовор бўлади. Ўйламизки, бу тадбир барчага маъқул.

Мусобакаларда шу каби «Олий мукофот» совринини ажнабий тилда «Гран-при» деб аташади. «Гран-при» (энг олий соврин) атамаси илк бор Францияда 1721 йили муомалага киритилган ва Франция фанлар академиясида математика ҳамда бошқа илмларнинг ривожига катта ўрин тутган. Бу мукофотлаш тури спортга 1805 йили Францияда ўтказилган от чоптириш мусобакаси орқали кириб келган.

Биринчи ракамли мукофотга нисбатан Гран-при атамасини қўллаш 19-аср ўрталаридан халқаро майдонга кенг ёйила бошлади ва 1901 йили илк бор автопойга голибларини тақдирлашда қўлланилди. Аста-секин бу атама бошқа спорт мусобакаларда, адабиёт ва санъатга оид танловларда ҳам қўлланиладиган бўлди.

«Гран-при» – бир тур мусобаканинг турли йўналишлари бўйича энг юкори ўрин сохибига бериладиган мукофот бўлиб, у одатда бир турдаги мусобакада йил мобайнида бошка хеч кимга берилмайдиган энг олий соврин хисобланади. Бу соврин мусобаканинг барча боскичларида олган баллари жамланганда энг юкори кўрсаткични кайд этган иштирокчига берилади. Халқаро микёсдаги мусобакаларда соврин ҳам жахон андозаларига кўра энг юкори, бирор мамлакат микёсидаги танловда эса шу минтака қаричи билан ўлчанганда энг олий даражада бўлиши талаб қилинади.

Биз бу йилги имкониятлардан келиб чиқиб «Олий мукофот» ва унга хужжат сифатида «Олий даражали диплом»ни республика боскичида энг юкори балл олган иштирокчига беришни лозим топдик. Аллох насиб қилса, келгуси йилларда иштирокчининг Куръон мусобакасининг барча боскичларида олган баллари йигиндисини инобатга олиб, шу асосда «Олий ўрин»ни белгилаш ниятидамиз. Ўйлаймизки, бунда мусобаканинг савияси янада ортади, иштирокчилар хар бир боскичга кўпроқ эътибор билан тайёргарлик кўради ва провард кўзланган мақсадга эришиш муваффақиятли кечади.

Аллох таолодан барча иштирокчиларга қуч-қувват ва тавфик сўраб қоламиз.

Хасанхон Яхё Абдулмажид

19.04.2018